

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRINING
BUYRUGI



П Р И К А З
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



2018 йил “6” январь.

№ 11 -МХ

“ ” январь 2018 й.

**Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент шаҳри

Р. Давлетов

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2018 йил 6 январдаги
11 -мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 7-бандда:

бешинчи хатбошидаги “дафтарчасининг нотариал” деган сўзлар “дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси” деган сўзлар “диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги “танловнинг иккинчи босқичини” деган сўзлар “танлов” деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 27-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Нотариус лавозимида ишлаётган шахс танловда иштирок этиб, ғолиб деб топиш учун етарли балл тўплай олмаган тақдирда эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилади ва у билан тузилган меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.”.

